



Siyosiy fanlar

ОИЛА-ТУРМУШ МУНОСАБАТЛАРИ ДОИРАСИДАГИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА УНГА ИМКОН БЕРГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР

Рўзиқулов Мирзабек Пардабоевич

*Жиззах вилояти ИИБ ЖХХ Хуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси бошлиғи
подполковник*

E-mail: mirzabek58@gmail.com

Очиллов Наврўзбек Ўроқбой ўғли

*Жиззах вилояти ИИБ Жамоат хавфсизлиги хизмати хуқуқбузарликлар
профилактикаси бошқармаси миграцион профилактика гуруҳи катта инспектори
лейтенант*

E-mail: navruz97ochil@gmail.com

DOI: <https://doi.org/10.5281/zenodo.16833434>

Аннотация: Мазкур мақолада оила-турмуш муносабатлари доирасида содир этилаётган хуқуқбузарликларнинг чуқур ижтимоий-хуқуқий таҳлили келтирилган. Аввало, бу каби хуқуқбузарликларнинг асосий сабаб ва омиллари, яъни иқтисодий қийинчиликлар, ижтимоий тенгсизлик, хуқуқий маданиятнинг пастлиги, психологик босим, маънавий тарбиянинг етишмаслиги, алкоголь ва гиёҳвандлик воситаларидан фойдаланиш кабилар алоҳида кўриб чиқилган. Шунингдек, оилавий муҳитдаги нотинчлик, анъанавий гендер стереотиплари, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг етарли даражада аралашмаслиги каби шарт-шароитларнинг бу ҳолатларни юзага келтиришидаги ўрни кўрсатилган. Мақолада бундай хуқуқбузарликларни камайтириш ва уларнинг олдини олиш бўйича таклиф ва тавсиялар ҳам баён этилган.

Калит сўзлар: оила хуқуқи, хуқуқбузарлик сабаблари, оилавий низолар, гендер тенглик, ижтимоий омиллар, хуқуқий маданият, профилактика чоралар.

Аннотация: В статье представлен углублённый социально-правовой анализ правонарушений в сфере семейно-брачных отношений. Особое внимание уделено причинам и факторам, способствующим совершению подобных правонарушений: экономические трудности, социальное неравенство, низкий уровень правовой культуры, психологическое давление, дефицит нравственного воспитания, злоупотребление алкоголем и наркотиками. Также рассмотрены условия, создающие почву для подобных правонарушений, такие как нестабильная обстановка в семье, гендерные стереотипы и слабое вмешательство правоохранительных органов. В завершении статьи предложены рекомендации по предупреждению и снижению уровня семейно-бытовых правонарушений.

Ключевые слова: семейное право, причины правонарушений, семейные конфликты, гендерное равенство, социальные факторы, правовая культура, профилактика.

Annotation: This article provides an in-depth socio-legal analysis of offenses committed within the scope of family and marital relations. The study focuses on the root causes and contributing factors behind such violations, including economic hardship, social inequality, low legal awareness, psychological pressure, lack of moral education, and substance abuse. Additionally, the paper highlights enabling conditions such as domestic instability, traditional gender stereotypes, and insufficient intervention by law enforcement agencies. The article



concludes with practical suggestions and policy recommendations aimed at reducing and preventing domestic-related offenses.

Key words: family law, causes of offenses, domestic conflicts, gender equality, social factors, legal culture, preventive measures.

КИРИШ ВА ДОЛЗАРЪЛИГИ

Оилада содир этиладиган жиноятлар ўзига хос сабабларга эга эканлиги билан бошқа жиноятлардан ажралиб туради. Ҳар қандай жиноятнинг содир этилишида бевосита оиладаги муҳитнинг таъсири муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда оила-турмуш доирасида содир этилаётган жиноятларни таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу жиноятларнинг асосий қисми ички ишлар идоралари ҳисобига олинган оилаларда яшовчи шахслар томонидан содир этилганлигини кўришимиз мумкин.

Маълумки, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликни содир этилишини омиллар бир-бири билан боғлиқ. Зеро, ижтимоий ҳаётнинг турли, энг нозик бўғини бўлган оилада вужудга келадиган жиноятларнинг сабаб ва шароитларига криминоген омилларнинг таъсири жиноий зўравонликлар содир этилишига олиб келади.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликларни содир этилишини тақозо этувчи омилларни ўрганиш, энг аввало, ушбу низо ва жанжаллар кимлар ўртасида содир этилаётганлигини аниқлаш лозим. Бу, ўз навбатида, унинг олдини олиш борасида самарали профилактик чоратadbирларни амалга ошириш имконини беради.

Оиладаги низоларни вужудга келтирувчи омиллар турлича бўлиб, бу жараён барча оилаларда муқаррар равишда ўзига хос тарзда кечади. Бундайларга мунтазам равишда дағдағалар қилиш, ҳақоратлаш, номақбул лақаблар билан чақириш ва оғзаки зўравонликнинг бошқа кўринишлари, шунингдек, ерга уриш, яккалатиш ва тан олмаслик кабилар сабаб бўлади. [1.1.]

МЕТОДЛАР ВА ЎРГАНИЛИШ ДАРАЖАСИ

Оила аъзолари ўртасида юзага келадиган ёки юзага келиш эҳтимоли бўлган низо ва жанжалларнинг сабабларини билиш учун, ушбу жанжаллар асосан кимлар ўртасида содир этилаётганлигини аниқлаб олиш лозим. Ушбу низо иштирокчиларини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- эр-хотин ўртасида;
- ака ука ўртасида;
- опа-сингил ўртасида;
- фарзанд ва ота-она ўртасида;
- қариндошлар ўртасидаги низолар.



Оилада эр-хотин ўртасида вужудга келадиган низолар криминологик ва психологик хусусиятлари, оқибатлари ҳамда ўзига хос жиҳатлари билан бошқа низолардан тубдан фарқ қилади. Низо иштирокчилари ўртасида кўпинча шахсий манфаатларнинг устун қўйилиши ёки устунликка интилиш каби омиллар биринчи ўринда туради.

Маълумки, шахснинг барча хатти-ҳаракатлари заминида ўзининг турли манфаатларини қондириш истаги ётади. «Манфаат» арабча сўз бўлиб, моддий ёки маънавий, жисмоний ёки руҳий фойда, нафни билдиради. [2.2.] Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, оиладаги жиноий зўравонликнинг содир этилишида эркалар ўз манфаатини аёллар манфаатидан устун қўйиш каби ҳолатлар бирмунча кўпроқ кузатилади. Бундай ҳолатлар оилада шахс ҳуқуқлари поймол бўлишига олиб келади.

Таъкидлаш жоизки, фуқаролар ҳуқуқларни, оилавий муносабатлардан келиб чиқиб, ўз хоҳишларига кўра тасарруф этадилар. Оила аъзоларининг ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ҳамда ўз мажбуриятларини бажаришлари оиланинг бошқа аъзолари ва ўзга шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги шарт. [2.5.] Зеро, ҳар қандай ҳуқуқбузарликнинг содир этилишида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинлиги, шаъни, кадр-қиммати поймол этилган бўлади. Бу айрим ҳуқуқий онги ва маданият даражаси ривожланмаган шахслар маълум сабабларга кўра, ўз ҳуқуқ ва эркинлигини ҳимоя қилиш у ёқда турсин, уларни билиш ва англашга ҳам қодир эмаслигидан далолат беради.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликлар замирида кўпинча шахс устидан кулиш, ҳақоратлаш, камситиш, таҳқирлаш кабилар мавжуд бўлади. Бу, ўз навбатида, шахсда қасд ёки ўч олиш мотивининг шаклланиши ёхуд бунга жавобан жиноий хатти-ҳаракатни амалга оширишга олиб келади.

Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликни содир этилишини тақозо этувчи шарт-шароитларни ўрганиш жараёнида «омил» атамасидан фойдаланамиз. Омил ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларнинг муайян вазият ёки ҳолат таъсири остида шаклланиши ва ўзгариши натижасида оқибат келиб чиқишини таъминловчи восита вазифасини бажаради.

Айтиш жоизки, ҳар қандай воқеа-ҳодисанинг, шу жумладан жиноятларнинг содир этилишида маълум факторлар, яъни омилларнинг таъсир этиши маълум оқибатнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу тадқиқ этилаётган ҳодисани вужудга келтирувчи бир қатор криминоген омилларнинг таъсири оилада шахслар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жараёнида яққол кўзга ташланади.



Оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарликни тақозо этувчи омиллар ўрганилиши жараёнида шу нарса маълум бўлдики, эр-хотин ҳамда оилада оила аъзолари ўртасида муносабатларнинг самимий эмаслиги ушбу зўравонликнинг содир этилишида “асосий омил” вазифасини ўтар экан. Айниқса, ушбу низоларнинг вужудга келишида низо иштирокчиларининг дунёқараши ва хулқ-атвори бир-бирига тўғри келмаслиги зўравонлик содир этилишида муҳим роль ўйнайди. Эр-хотиннинг оилавий ҳаёт тўғрисидаги тасаввурларининг ўзаро мос келмаслиги низо ёки зиддиятлар келиб чиқишининг асосий сабабларидан биридир. [3.4.]

Оилавий ҳаётдаги низолар, хусусан, эр-хотин ўртасидаги низолар, зиддиятлар ислом илмида ҳам кенг кўламда ўрганилган бўлиб, унда низоларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳамда уни ислоҳ қилиш ҳақида бир қатор фикр-мулоҳазалар баён этилади. Жумладан, муқаддас ҳадис-у шарифларимиз ва шариат нормаларини кузатадиган бўлсак, унда одамларнинг бир-бирларига яхши муносабатда бўлишлари, ёмон ишлардан сақланиши, бир-бирлари билан аҳил-иноқ бўлишлари, зино ва спиртли ичимлик истеъмол қилиш оғир гуноҳ эканлиги, айниқса, бир одамнинг иккинчи бир одам томонидан ҳақорат қилиниши қаттиқ қораланиб, ушбу хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан жамоа олдида таъзир жазо чораси қўлланилган. Бу жазо чораси ҳар қандай салбий иллатларнинг, шу жумладан жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Шунингдек, оила-турмуш муносабатлари доирасидаги ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг суд архивидаги жиноят иши йиғмажилдларини ўрганиш жараёнида оилада низонинг келиб чиқишида 21,3 фоиз мастлик, 10,1 фоиз етишмовчилик, 13,2 фоиз келишмовчилик, 7,4 фоиз менсимаслик, 16,8 фоиз жанжал, 10,3 фоиз рашк ёки хиёнат, 9,7 фоиз адоват, 6,1 фоиз мол-мулк талашиш, 5,1 фоиз ҳақорат қилиш сабаб бўлганлиги аниқланди. [4.5.]

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, оила-турмуш муносабатлари ҳар доим ҳам бир текисда, силлиқ, рисоладагидек кечавермайди. Уй-рўзғор юмушларини бажариш, эр-хотин ва оила аъзоларининг бурчи, ота-онанинг фарзандлар олдидаги мажбурияти ҳамда фарзандларнинг катталар олдидаги бурчларини адо этиш жараёнида шахсий манфаатлар тўқнашади. Айрим ҳолларда уларнинг фикр ва қарашларидаги зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар, келишмовчилик ва англашилмовчиликлар шахслараро низолар тарзида намоён бўлиб, оиладаги жиноий зўравонликни келтириб чиқаради.



Психолог Чарльз Ликсон низолар ва уларни келтириб чиқарувчи омиллар тўғрисида ўз фикр ва мулоҳазасини билдириб, низонинг инсон руҳиятига салбий таъсирига «низо бу ҳаёт нормаси», деб ёзади. У кўп йиллик адвокатлик ва амалиётчи психологик тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, оилавий низолар хусусида ўз фикрларини баён этади. Унинг фикрича, оилавий низо маълум маънода шахс тараққиётини бошлаб берувчи илк нуқтадир. Шу боис, бундай низолар позитив нуқтаи назардан баҳоланиши мумкинлиги, ушбу низо юз бераётган жараёнда эр-хотин ва болаларнинг унга нисбатан муносабати ҳамиша салбий бўлишини таъкидлайди.

Оилада эр-хотин ўртасидаги низоларни болалар ўртасидаги ҳамда ота-оналар билан фарзандлар орасидаги келишмовчиликлардан фарқ қилишини алоҳида эътироф этиш лозим. Эр-хотин ўртасидаги низолар асосан жинсга оид тафовутларнинг борлиги, доимий ҳукмронлик ёки зўравонликка интилиш ҳисларининг мавжудлигидан келиб чиқади. Бу ҳолат оилада тарбияланаётган фарзандлар онги ва тасаввурига салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, шунини унутмаслик лозимки, инсон хулқ-атворининг шаклланиши кўп жиҳатдан оиладаги муҳит таъсирига боғлиқ бўлиб, оиладаги болаларнинг катталарга тақлид қилиши асосида ривожланиб боради. Шу нуқтаи назардан, оиладаги жинсий зўравонликнинг мавжудлиги, яъни ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан фарзандларга нисбатан жисмоний, руҳий, жинсий ва бошқа шаклда содир этилаётган зўравонликлар шароитида ўсаётган болалар тарбияга бефарқ бўлиб қолади, мактаб ишларига қизиқмайди, аксинча зўравонлик ҳолатлари акс эттирилган фильмларни қизиқиб томоша қиладилар ва бундай фильмларнинг қаҳрамонларига ўхшашга тақлид қиладилар.

Оиладаги низолар вояга етмаганларнинг хулқи ва ақлий фаолиятига, ўз навбатида, жисмоний заифликка ҳам олиб келиши мумкин. Шундай омиллар мавжуд бўлган оилаларга жамият томонидан етарлича ёрдам берилмаса, унда яшаётган болаларнинг зўравонликдан жабр кўриш хатари юқори бўлади. Қариндош-уруғлар томонидан кўмак берилмаслиги ҳам мавжуд муаммони янада оғирлаштириши табиий.

Куйида оила-турмуш доирасида ҳуқуқбузарлик содир этилишини таъминловчи бир-бири билан узвий боғлиқ ва бир-бирини тақозо этувчи омилларни шартли равишда ажратган ҳолда кўриб чиқамиз.

1) Шахсда гайриижтимоий хусусиятларнинг шаклланишини таъминловчи омиллар. Шахсга ташқи муҳит шунчалик тез таъсир этадики, унинг дунёқараши, тарбияси, ўзгалар билан мулоқотга киришиш жараёни ва бошқа эмоционал хатти-ҳаракатларида ташқи омиллар таъсири намоён бўлади. Шу боисдан ҳар бир шахснинг шаклланиш шарт-шароити ранг-барангдир.



Шахсга салбий таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш ва уларни атрофлича таҳлил қилиш шахснинг ғайриижтимоий салбий шаклланишининг олдини олишга хизмат қилади. В. Н. Кудрявцев айтганидек, ғайриижтимоий салбий хулқ-атвор шахснинг хулқ-атвори ва қонун талаблари ўртасида муттасил равишда кескинлашиб боровчи ва очиқ-ойдин низога айланувчи ҳар хил қарама-қаршиликлар асосида вужудга келади ва ривожланади. Баъзида бир шахснинг иккинчи бир шахсга нисбатан жисмоний куч ишлатиши шахснинг хулқ-атвори билан боғлиқ бўлади. Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатади-ки, кўп ҳуқуқбузарликларнинг, шу жумладан жиноятларнинг содир этилишига шахсдаги салбий хулқ-атвор туртки беради. Бу ҳолатлар кўпинча тергов ва суд жараёнларида аниқланади.

Агар оилада ғайриижтимоий, носоғлом муҳит мавжуд бўлса, у ерда салбий хулқ-атворнинг шаклланиш эҳтимоли анча юқори бўлади. Оиладаги маънавий-педагогик заифликнинг яна бир кўриниши ундаги носоғлом маънавий-руҳий муҳит, ғайритабiiй муносабатлар, низолар, жанжаллар, келишмовликлар, кўполликнинг мавжудлиги, бирликнинг, бир-бирига ғамхўрликнинг йўқлиги шахсда ғайриижтимоий салбий хусусиятларнинг шаклланишини таъминловчи омил саналади.

Шахсда ғайриижтимоий хулқнинг шаклланишига оиладаги муҳит ўз таъсирини кўрсатади. Бу шундан далолат берадики, носоғлом оилада яшовчи шахслар деярли бошқаларга қараганда ўзини тутиши ва хулқ-атвори билан ажралиб туради. Бу, ўз навбатида, оилада жиноий зўравонлик содир этилишини таъминловчи криминоген вазиятларни келтириб чиқаради.

2) Оилада низо туфайли зўравонликнинг содир этилиши. Оилада содир этиладиган зўравонликларнинг кўп қисми оила аъзолари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар замирида, яъни энг яқин кишилар орасида содир этилади. Шахс ҳаёти ва соғлиғига қарши содир этилган жиноятлар тўғрисидаги маълумотлар таҳлилига кўра, оила-турмуш доирасидаги қасддан одам ўлдириш ва унга суиқасд қилиш жиноятининг 71,4 фоизи, қасддан бадан ўртача ёки оғир шикаст етказишнинг 63,0 фоизи, ётоқхона ва хонадонларда содир этиладиган безориликнинг 59,0 фоизи эр-хотин, ака-укалар томонидан улар ўртасидаги низолар оқибатида содир этилганлиги қайд этилган.

Оила аъзолари ўртасида зўравонликнинг содир этилишида биринчи ўринда жабрланувчини камситиш, ҳақорат қилиш, ғайриахлоқий хатти-ҳаракатлар сабаб бўлиб, низо иштирокчилари ўртасидаги ижтимоий муносабатлар жиноий қилмиш содир этиш орқали ҳал этилишига олиб келади.

Бу қилмишларнинг содир этилишида шахс руҳий ҳолатининг бузилиши асосий роль ўйнайди. Шахснинг муайян хатти-ҳаракатларининг жиноятга



айланишини тақозо этувчи хулқ-атвор унинг руҳий ҳолати билан боғлиқ. Ушбу низолар баъзи ҳолларда тўсатдан вужудга келган руҳий бузилишнинг оқибатида содир этилишини, яъни қизиққонлик, агрессивлик, тажовузкорлик, ўзини назорат қила олмаслик каби ҳаётий вазиятларда вужудга келишини ҳам инобатга олиш лозим. Бундай жиноий феъл-атвор шахснинг руҳиятида жиноят содир этишни тақозо этувчи шарт-шароитни яратади.

Биз кўриб чиқаётган қилмишлар таркибида ўч олиш, қасос, оила аъзоларининг бир-бирини ёқтирмаслиги, адоват, алам, келишмовчилик ва психологик зиддиятлар зўравонликлар содир этилишини талаб этувчи муҳим омил ҳисобланади. Уларнинг таъсири натижасида айбдор шахснинг манфаатларига зид бўлган ҳаракатлар содир этганлиги учун ҳисоб-китоб қилиш, ушбу қилмишига яраша муносиб жавоб қайтариш, кучи, жаҳли ёки нимага қодир эканлигини кўрсатиш, хафа қилган кишига шикаст етказиш йўли билан бошидан кечирган азоб-уқубат ва кечинмалар ўрнини тўлдиришга интилиш каби руҳан ўзини тайёрлаш билан боғлиқ ҳолатлар ва вазиятлар вужудга келади.

Айрим адабиётларда ҳозирги вақтда шахсга қарши жиноятлар тобора шафқатсизлик билан содир этилаётгани таъкидланади. Ушбу қилмишлар оилада оила аъзолари ўртасида кўпинча арзимаган турли баҳоналар оқибатида содир этилаётганлигини кўриш мумкин. Ваҳоланки, жабрланганлар айбдорларнинг энг севимли, энг яқин кишилари бўлишган. Масалан, Фуқаро А. ўзи билан бирга яшовчи турмуш ўртоғи фуқаро К.ни «Сен нима сабабдан мендан сўрамасдан ота-онангни уйига борасан» деб, унга тазйиқ ўтказиш мақсадида жанжал қилиб, қасддан жисмоний куч ишлатиш йўли билан юзи ва танасининг турли жойларига қўл ва оёқлари билан зарба бериб, оғир тан жароҳати етказган.

ХУЛОСАЛАР

Умуман олганда, оила аъзолари ўртасида вужудга келган низоларни жиноий зўравонлик содир этиш орқали ўзига яқин бўлган кишиларига жабр етказишнинг виктимлик даражасининг кўп қисми аёллар ҳиссасига тўғри келади, яъни 62,7 фоизни ташкил этди. Бу қилмишларнинг содир этилишини оилада эр-хотин ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг салбий эканлиги, уларнинг бир-бирига ғамхўр эмаслиги, муносабат жараёнида кўполликнинг мавжудлиги, айниқса тарбиянинг заифлиги билан изоҳлаш мумкин.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, оилавий муносабатларда аёлнинг ўз ҳукмронлиги ёки ўз таъсирини ўрнатишга интилиши кўп ҳолларда салбий оқибатларга олиб келади. Айниқса, оила аъзолари ўртасида турли асоссиз баҳоналар билан жанжал бўлиб туриши зўравонлик содир этилишига олиб келган.



Аёлларнинг юқори даражадаги виктимлиги уларнинг заифа эканлигида эмас, балки тарихий ва жамиятда сақланиб қолган жинслар муносабатларининг тенгсизлигидадир. Эркакларнинг маданий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий муносабатларда етакчилик ҳолати аёлларни иқтисодий ва руҳий қарамликка тушириб, уларни эркак кишининг шахсий мулкига айлантиради. Эркакларнинг ҳукмронлик муносабатлари асосига қурилган жамият аёлларга зўравонлик қилишни оддий ҳолат деб ҳисоблайди. Баъзида зўравонликнинг содир этилишида эркаклар ўзларига ниҳоятда баланд баҳо бериши, яъни аёллар мавқеини пастга уриб, уларни камситиши каби омиллар ҳам мавжуд.

Адабиётлар:

1. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2-жилд. –Т., 2006. – Б. 38.
2. Абдурасулова Қ. Аёллар жиноятчилиги // Ҳаёт ва қонун. 2004. – №4. – Б. 71-72.
3. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят ҳуқуқий ва криминологик муаммолари: юрид. фан. док-ри. дисс-я. –Т., 2006. –Б. 117-118.
4. Абзалова Х.М. Одам ўлдиришга қарши курашишнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик жиҳатлари. Юридик фанлар доктори (Doctor of Science) диссертацияси автореферати. – Т., 2020. – Б.19.
5. Антонян Ю.М. Причины преступного поведения. –М., 1992. –С. 114.
6. Бердиев Ш. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари. Ҳуқуқшунос-юрист. 2008. №3.-14 б.
7. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989 йил), 6-10 моддалар.
8. Болаларга нисбатан зўравонлик бўйича бутунжаҳон ҳисоботи. –Т., 2009, –Б. 174.
9. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик. / Р.Кабулов, М.Рустамбаев, А.Отажонов ва бошқалар. / Масъул муҳаррир: Ш.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. – Б. 50.